

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 6 ЯНВАРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 01 (549) • E-mail: adolat_gazeta@sarkor.uz

Ушбу сонда:

**ОКСОКОЛ
ФИДОЙИ
БЎЛСА**

маҳалла обод бўлади

**ГРИППДАН
ЭХТИЁТ
БЎЛИНГ**

антибиотик вирусга
таъсир қилмайди

**БОЛАЛАРГА
БАХШИДА
УМР**

тарбияда қаттиққўллик
керакми?

**ОКИЛОНА
СОЛИҚ
СИЁСАТИ**

суҳбат

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

тўлиқ ва қулай

**МУОМАЛА —
ИНСОН
ЗИЙНАТИ**

психолог маслаҳати

2

3

6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида**

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**Ф.Т.Қодировни Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари —
жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш
Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш
тўғрисида**

Файрат Тоирович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирининг биринчи ўринбосари — жиноят қидирув
ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бош-
лиғи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ


Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январь

Мулоқот

Маънавий юксалиш кўзгуси

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» биринчи
жилдининг нашрдан чиққанига беш йил тўлди

2-бетда ўқинг



Ер эгаси эртага ким бўлади?

Иқтисодийимиз равнақи

Навоий вилоятида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилмоқда

дирмоқдалар. Вилоят ва туман
хокимликлари иқтисодий но-
чор ва зарар кўриб келаётган,
ширкатларни фермер хўжалик-
ларига айлантириш борасида
барча зарур тadbирларни амал-
га ошираётти.

— Ҳозир вилоятимизда 5600
та фермер хўжаликлари фао-
лият курсатмоқда, — дейди ви-
лоят қишлоқ ва сув хўжалиги
бошқармасининг бўлим бош-
лиғи Суворн Кўчқоров. — Биз ҳар
йили иқтисоди ноқор ширкат
хўжаликларини тугатиб, унинг
ер майдонларини фермер
хўжаликларига айлантирмоқда-
миз. Биргина жорий йилда ви-
лоятимиз бўйича 970 та қўшим-
ча фермер хўжаликлари таш-
кил этилди. Улардан 282 таси
пахта ва галлчилик, 13 таси саб-
завот ва ползчилик, 542 таси
эса бог ва узумчилик бўйича

фаолият кўрсатади. Аввало,
шуну қайд этиш керакки, фер-
мер хўжаликларига айлантири-
лаётган ширкат хўжаликлари-
нинг умумий йиғилишлари
ўтказилиб, туман хокимлири-
нинг қарорлари билан қайта
ташкил этиш комиссиялари тас-
диқлаб олинди. Комиссиялар-
нинг йиғилишлари ўтказилиб,
иш режа ва вазифалар тасхи-
мотлари белгиланди. Фермер
хўжаликларига ёрдам тариқа-
сида тавсиялар доқдаси ташкил
этилиб, бунда фермер хўжалик-
лари бўлиш истагини билдир-
ган фуқароларга барча ҳужжат-
лар намуналарни тарқатилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбо-
сари Абдураззоқ Нарзиёвнинг
қайд этишича, жорий йилнинг
охиригача вилоятда 14 та шир-
кат хўжаликлари фермер хўжа-
ликларига айлантирилиши ва

қўрсатапти.

Яқунланган йилда бирлашма
кафолати билан «Умид-ҳиллол»
фирмаси 60 миллион, «Ялпиз»
хусусий корхонаси 70 миллион,
«Турон-нон» корхонаси эса 20
миллион сўм кредит олиб, ўз
фаолиятини янада кенгайтирди.
Улар бирлашма ҳузурида таш-
кил этилган «Сармоя» кредит
иттифоқи кўмаги билан аҳоли-
нинг озиқ-овқат ва дори-дар-
монга бўлган эҳтиёжини қон-
диришга муносиб ҳисса қўяётир.

Президентимизнинг 2005
йилнинг июнь-октябрь ойлари-
да қабул қилинган тadbиркор-
лик фаолиятини ҳар томонлама
қўллаб-қувватлашга қаратилган
янги фармон ва қарорлари бир-
лашма аъзолари томонидан кат-
та қувонч билан қутиб олинди.
Бирлашмада тadbиркорлар фа-
олияти эркинлигини янада кен-
гайтиришга янги йўллар очган
мазкур ҳужжатларнинг мазмун-
моҳиятини чуқур ўрганишга ало-
ҳида эътибор қаратилмоқда.

Адлия, солиқ, божхона каби
идоралар мутахассисларини
жалб қилган ҳолда 40 дан зиёд
ўқув-семинари ташкил этилди.
Бунинг самараси ўлароқ, тadbир-
кор аёллар ўз ҳуқуқларини яна-
да яхшироқ билиб иш юритаёт-
гани муваффақиятлар омили
бўлмоқда.

Бирлашма ўз аъзолари фаоли-
ятида ўтказилаётган текширувлар-
да доимо боқабар бўлиб, улар-
нинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг
олдини олишга ҳаракат қилиб кел-
лаётгани боис ноқонуний текши-
рувлар барҳам топяпти. Хусусан,
Учтепа туманидаги ўқув марказ-
ларидан бири фаолиятини таф-
тиш этишга киришганлар, бир-
лашма аралашгач, фарибгарлар
эгани маълум бўлди.

Бўларнинг барчаси мамлака-
тимизда тadbиркорликни кенг ри-
вожлантириш, бизнес аҳлининг
манфаатларини ҳар томонлама
ҳимоя қилиш ва демократик
ҳуқуқий жамият барпо этиш йўли-
да амалга оширилаётган ислохот-
лар бераётган самаралардандир.

ЎЗА



СУРАТДА: «Адолат» СДП Самарқанд вилоят ҳудудий партия ташкилотлари-
нинг фаоллари янги иш режаларини муҳокама этмоқдалар.

РАҚОБАТДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

дейди Иштихон туман партия Кенгашининг
биринчи котиби Мўмин Чинниев

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

— Мўмин ака, Иштихонда сиёсий партия-
лар ўртасидаги рақобатда «Адолат» СДПнинг
қўли баланд келаяпти, деб эшитдик. Башарти
шундай бўлса, партиянинг нуфузи, мавқеи
қайси соҳаларда яққол намоён бўлаяпти?

— Биласизми, одамлар «Адолат» жозибатор сўз
бўлгани ва ҳамма учун бирдек қадр-қиммат касб
этгани учунгина эмас, ҳар кунлик амалий ишларимиз
учун бизни қўллаб-қувватлашяпти. Ҳозирги кунда
туманимизда 2 минг нафар аъзога эга бўлган 60 яқин
бошланғич партия ташкилотимиз бор. Улар ёрдамида
биз туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жа-
бахаларини қамраб олганмиз. Айниқса халқ таълими,
соғлиқни сақлаш, маданият ва аҳолига хизмат кўрсат-
тиш соҳаларида партияимиз фаоллари кўпгина муам-
моларни ҳал этишда ташаббускор бўлмоқда.

Утган йили бўлиб ўтган сайловларда партияимиздан
қўрсатилган номзодлар энг кўп овоз олишди. Халқ
депутатлари туман Кенгашига сайланган депутатлар-
нинг 15 нафари, аниқроғи тенг ярами «Адолат» СДПдан
қўрсатилган номзодлар бўлишди. Қўриниб турибди-
ки, дастурий голяларимиз халққа кўпроқ манзур
бўлмоқда. Энди гап ана шу голяларни босқичма-босқич
амалга оширишда.

— Айнан шу йўналишда бажарилаётган
ишлар сарқотиб сифатида сизни қониқтира-
яптими?

— Партияимиз вакиллари бўлган депутатларимиз
туман Кенгаши сессияларида ҳудудни ривожланти-
ришининг долзарб муаммоларини кўтариб чиқиш-
моқда.

Аграр соҳада харажатлар кўп, даромад эса ку-
тилганидек эмас. Шу боис ҳар бир оиланинг мо-
дий манфаатдорлигини ошириш, барча манбалар
ҳисобидан реал даромадларини кўпайтириш бош
масалага айланган. Депутатларимиз хорижий сар-
мояларни қишлоқ хўжалигига жалб этиш ва янги

иш ўринлари яратиш орқали бу вазифаларни му-
айян даражада ҳал этишга интилишяпти. Ҳозир
туманда узум, мева ва сабзавотни қайта ишлаб,
жаҳон бозорига чиқарадиган қўшма корхоналар
қуришни бошлаб юборганмиз.

— Мўмин ака, сиз туманда йирик фермер
хўжаликларидан бирини бошқараётган экан-
сиз. Айтинг-чи, фермерлик ҳаракати туман
иқтисодиётини ривожлантиришда қандай
афзалликларини намоён этмоқда?

— Утган йили туманимиз давлатга пахта сотиш
режасини вилоятда биринчилар қаторида бажарди.
Галлчиликда ҳам омад бизга қулиб боқди. Холи-
сона таҳлил қиладиган бўлсақ, бугун туман қишлоқ
хўжалигида фермерларнинг ўрни яққол кўзга таш-
ланаёпти. Йил якунига қўра ўн миллион сўмлаб
даромад олган фермерларимиз кўп. «Эшонқиш-
лок», «Қатагон», Исматилло Раббимов, Орзиқул
Қодиров фермер хўжаликлари ана шулар жумла-
сидан.

Ўз навбатида фермерликни ривожлантириш ту-
ман ижтимоий ҳаётидаги кўпгина масалаларни му-
ваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда. Яқун-
ланган 2005 йилда туман маркази — Митан кўр-
ғонида 5 минг ўринли янги ўйингоҳ ва ёпиқ спорт
заппи ишга туширилди. Ҳозирда бу ерда янги замо-
навий коллеж қурилиши бошлаб юборилган.

— Бу эътирофлар партия ташкилоти унинг
депутатлари учун «бизда муаммолар йўқ»
деган хотиржамлик кайфиятини келтириб
чиқармайтими?

— Зинҳор! Чунки эл назарига тушган киши ёки
ташкилот ҳеч қачон ташаббусни қўлдан бермасли-
ги, доимо янги режалар билан ҳаракат қилиши
лозим. Зотан, сиёсий рақобатда танатфусл бўлмай-
ди. «Адолат» партияси амалий ишлар билан одам-
лар орасидан янги сафдошлар ортираётган экан,
шундай ҳушқўнлик, изланувчанлик бизни ҳеч қачон
тарқ эмтайдди.

Тadbиркор нима дейди?

Қалбаки маҳсулот

ишлаб чиқаришга путур етказад

Гулнеҳра САЪДУЛЛАЕВА,

«Орзу ош тузи» масъулияти чекланган жамият раҳбари

«Биз 2001 йили «Орзу ош тузи» масъулияти чекланган жамиятини
хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этдик. Утган
давр ичида Республика эндокринология институти мутахассислари
билан биргаликда бир неча турдаги йодланган ош тузларини сифатли
қадоқлашда юқори кўрсаткичларга эришдик. Шу боис ҳам биз ишлаб
чиқараётган истеъмол ош тузига бўлган талаб тобора ортиб бораётир.
Бу қувонарли, албатта. Лекин, айрим «учар»ларнинг фирмамиз номи
ёзилган сохта идишларда умуман сифатсиз, инсон организмига зиён
келтирадиган тузларни қадоқлаб аҳолига пуллаётгани ачинарлидир.
Бундай ҳолатлар, айниқса Андижон, Самарқанд, Қашқадар, Фарғона
вилоятларида кўллаб урмоқда. Албатта, бунинг натижасида хари-
дорларимизнинг бизга бўлган ишончи сусайиб бормоқда.

Юқоридаги каби ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш
мақсадида тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этдик. Жум-
ладан, мурожаатимиз асосида текширувлар ўтказган Андижон шаҳар
прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚБ ходимлари шаҳардаги «Жаҳон
бозори»да Иброҳимжон Ҳакимов томонидан 4125 донга «Орзу» ош
тузини қалбакилаштириб сотаётганлигини аниқлашди. Шунга қара-
май айни пайтда ҳам вилоятларда мана шундай ноҳуш ҳолатлар
ҳамон учраб турибди.

Гапнинг индаллоси шуки, жойларда фидойилик билан фаолият
юритаётган давлат солиқ инспекцияси ходимлари, қолаверса, соҳага
даҳлдор ташкилотлар мутасаддилари биз каби тadbиркорларнинг ман-
фаатини мустаҳкам ҳимоя қилишга, айни мuddао бўлар эди. Ана
шунда хусусий ишлаб чиқариш корхоналари аҳолига янада сифатли ва
арзон маҳсулотлар етказиб бериш баробарида мамлакатимиз иқтисо-
диёти юксалишига катта улш қўшган бўлишарди.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири

Фермер хўжаликлар фаоли-
ятини кенг йўлга қўйиш иқти-
содий ислохотларнинг муҳим
йўналишларидан биридир. Шу
боис ҳам Президентимиз то-
монидан республикамизда
фермерлик ҳаракатини ривож-
лантириш, ерни ҳақиқий эга-
ларига топшириш ва бу соҳа-
да вилоят ва туманларда амал-
ий ишларни олиб бориш юза-
сидан бир қатор фармон ва
қарорлар чиқарилаёпти. Жум-
ладан, Президентимизнинг
«Қишлоқ хўжалигида ислохот-
ларни чуқурлаштиришнинг энг
муҳим йўналишлари тўғриси-
да»ги ҳамда «2004-2006 йил-
ларда фермер хўжаликларини
ривожлантириш Концепцияси
тўғрисида»ги Фармонлари, Ва-
зирлар Маҳкамасининг ана шу
ҳақидаги бир қатор қарорлар-
ни фикримизнинг ёрқин да-
лилидир.

Навоийликлар аграр соҳада
иқтисодий ислохотларни ҳамда
агрокомплекс тadbирларини ўз
муддатларида сифатли ўтқа-
зиш учун астойдил жон қуй-

Маънавий юксалиш кўзгуси

Норали ОЧИЛОВ
(Боши 1-бетда)

Шу муносабат билан жамоатчи муҳбиримиз «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Нуриислом Тўхлиев билан суҳбатда бўлди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг юзага келишида, — дейди Н.Тўхлиев, — Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қомусини нашр этиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарор асосида ўзбек тилида кўп жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни тайёрлаш ва чоп этишга киришилди.

Ўтган давр мобайнида миллий энциклопедиянинг ўн жилди босмадан чиқди. Уларда мустақил юртимизнинг барча жабҳаларда, жумладан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётда эришган ютуқлари, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти, қадриятлари, мамлакатимизнинг қанчалар таракқиётда туганган ўрни ва аҳамияти атрафли акс эттирилди.

Энциклопедияни тайёрлаш, нашр этиш ўта масъулиятли ва машаққатли иш. Бу жараёнга кимлар жалб этилган?

Қомусимизни ҳар томонлама мукамал қилиб яратишда нашриётимизда ташкил этилган ўн битта илмий тахририят ва икки бўлим қизгин фаолият кўрсатмоқда.

Нашриётга илмий-методик раҳбарликни жамоатчилик асосида ишлайдиган бош тахрир ҳайъати ҳамда барча йирик фан соҳалари бўйича тузилган илмий-маслаҳат кенгашлари амалга ошираётди. Мазкур ҳайъат ва кенгашлар таркибига мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимлари, жамоат арбоблари, нашриёт раҳбарлари жалб этилган.

Бош тахрир ҳайъати энциклопедиянинг гоёвий, илмий ва бадиий даражасини, мақолалар мезонини белгилаш, сўзликларни тасдиқлаш, мунозарали ма-

салаларни муҳокама этиб, материалларни нашрга тавсия қилишда бош-қош.

Миллий қомусимизнинг ҳар бир жилдини тайёрлашда ўртача олти юз нафардан зиёд олим ва мутахассис иштирок этди. Айти пайтда эса миллий қомусимизнинг 11-жилди босмадан чиқиш арафасида. Жорий йилнинг биринчи ярмида энциклопедиянинг Ўзбекистон Республикасига бағишланган умумлашма 12-жилди нашрдан чиқади. Шунда қирқ мингдан зиёд мақолани ўз ичига олган қомусимизнинг умумий ҳажми 1600 нашр табоқдан, ҳарита ва безак материаллар сони эса бир ярим мингдан ошади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг энг сўнгги — 12-жилди чоп этилгандан кейин нашриётнинг фаолияти ҳам тўхтайдими?

Йўқ, миллий қомусимизнинг барча жилдлари нашрдан чиқиши билан «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётининг иши якунланмайди. Маълумки, Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги қарорига мувофиқ, нашриётимиз таркибига Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти қўшилди. Натижада бизнинг дастурий йўналишимиз ва фаолият доирамиз янада кенгайди. Халқимизнинг бой тарихий, маданий ва адабий меросига, миллий қадриятларига оид, тиббиёт, соғлом авлод, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, туризмга доир илмий, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар, ўқув дарсликларини ҳамда қўлланмалар яратиш борасидаги ишлар давом этади.

Ортирилган тажрибалардан келиб чиқиб, турли йўналиш ва фан соҳалари бўйича энциклопедиялар, изоҳли лугатлар, маълумотномалар ҳамда оммабоп китобларни нашр этишни мўлжаллаганимиз. Ўтган давр мобайнида нашриётимиз томонидан бу йўналишда «Болалар энциклопедияси», «Хотин-қизлар энциклопедияси», «Испом



энциклопедияси», «Буюқ ипак йўли», «Ўзбекистон Республикаси», «Ўзбек тилида иш юриштиш», тўрт жилддан иборат «Ҳадис», «Ўзбек исмлари изоҳли лугати» каби кўплаб китоблар чоп этилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари билан ҳамкорликда тўрт жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»ни нашрга тайёрлаш ишлари давом этмоқда. Болалар учун «Менинг биринчи энциклопедиям» туркуми яратилди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» жилдлари Москва, Франкфурт халқаро китоб кўргазма-ярмаркаларида намойиш этилиб, юқори баҳо олди. Москвада ўтган МДХ мамлакатлари китоб танловида «Содружество» номинацияси бўйича иккинчи даражали диплом билан тақдирланди. Қомусимизга чет элда қизиқиш катта. Уни Туркия, Япония, Германия каби мамлакатлар кутубхоналари сотиб олмоқда.

Галдаги вазифаларимиздан бири миллатимиз кўзгуси саналган мазкур нашрнинг 12 жилдини ҳам лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосида чиқаришдан иборат. Шунингдек, турли йўналишларда ўзбек, рус ва инглиз тилларида икки-уч жилдли кичик энциклопедияларни тайёрлаб чоп этиш ҳам яши самара беради. Зеро, энциклопедия миллатнинг маънавий қўғасини дунёга танилтиришнинг муҳим воситаларидан биридир.

Таълим

Зубайда ИСМОИЛОВА,
Тошкент тиббиёт академияси кафедраси ассистенти

Баркамол авлодга ҳар жиҳатдан таълим-тарбия бериб, уни ўз дунёқараши ва ҳаётий маслағига эга бўлган шахслар сифатида шакллантириш, доно ва баҳодир аждодларга муносиб ворислар сифатида камол топтириш қадимдан халқимизнинг энг эзгу орузи бўлиб келган.

Буюқ ватандошимиз аллома Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» асарида жамиятнинг ҳар бир фуқароси, эгаллаган мансаби, тутган ўрни ва мавқеи, хуллас, ким бўлишидан қатъи назар, аввало, фозил инсон сифатида ўзини намоеён этмоғи лозимлигини таъкидлаган. Файласуф нуктаи назарида, фозил инсон ўз давлатининг қонун-қоидаларини пухта билади ва уларга амал қилади, теран фикрлайди, ўз касбининг устаси бўлади, зарур ҳолатда Ватани учун жонини ҳам фидо этади.

Эзгу ниятлар ижобати

Соҳибқирон Амир Темура таълим-тарбияда донишмандлар хизмати юксак қадрлаб шундай деган эди: «Мен олимларга, илоҳиётчиларга, файласуфларга ва тарихчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатдим. Мен уларни ҳурмат қилдим ва эъзозладим». Дарҳақиқат, биз баркамол авлодчи тарбиялашга қаратилган улкан ниятимизни амалга оширишда бой маънавий асосларга эгамиз. Мустақиллик ана шу эзгу оруз-ниятларнинг амалга оширишга барча имкониятлар эшигини очиб берди. Президентимизнинг бевосита бошчилигида яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — орузимизга эришишнинг қонун билан ҳимояланган ҳужжатидир. Комил инсон ва етуқ малакали мутахассисни етиштириш Кадрлар тайёрлаш миллий моделимизнинг бош муди-даосидир.

Бугунги кунда билим, кўникма, малака шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш йўлида дадил ҳаракатлар қилинаётир. Миллий истиқлол гоёсини ёшлар дунёқарашига сингдириш эса энг асосий вазифалардан саналади.

Таълим-тарбия жараёни орқали инсон шахсини шакллантиришда таълимни инсонпарварлаштиришга, ижтимоийлашувига эътибор қаратилаётгани кутилган натижаларни бераётгани қувончли ҳолдир. Зеро, ҳар бир педагог ва ота-она олдида: Мен таълим бераётган ўқувчи ёки мен тарбиялаётган фарзанд эртага жамиятдан ўз ўрнини топа олади-ми, қийинчиликларга юз келганда йўлини йўқотиб қўймайди, турли хил салбий таъсирларга ўзини ҳимоялай оладиган даражада онгли дунёқарашга эгами, деган саволлар турмоғи керак. Айни шу саволларга олинатиغان ижобий жавоб таълим-тарбия соҳасидаги меҳнатларимизнинг ижобати, биз кутадиган ижобий натижалари бўлади.



ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ: «Мустақиллик» пахта тозалаш корхонасида бир кунда 60-70 тоннагача пахта толаси тайёрланмоқда. Корхонанинг илгор ишчилари Робия Қурбоналиева, Насиба Нурматова кўп йиллардан буюн фаолият кўрсатиб, қуниқли ва ойлиқ режаларини ортиги билан бажариб келмоқдалар.

Саҳоват

«Файз» қиммати

С. Жабборова,
«Адолат» муҳбири

Янги йил арафасида барчанинг кўнглини бирдек кўтаришга ҳаракат қилган ва маълум маънода бунинг уддасидан чиққан «Адолат» СДП Тошкент шахар фаоллари савобли ишга қўл урдилар.

«Файз» холдинг компанияси билан ҳамкорликда тумандаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини учун янги йил байрами уюштирилди. Байрамда кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзандларига туман партия ташкилоти ва компаниянинг совға-саломлари топдаширилди. Туман маданият уйи ходимлари томонидан саҳналаштирилган бадиий кўринишлар йиғилган болажонларнинг қувончига қувонч улашди.

Бундай хайрли амал ўнлаб ногирон болаларнинг ҳам

кўнглини шод этди. Жумладан, 8 ёшли ногирон Артем Базаевга 147 минг сўмлик мейвель, бошқа ногирон болаларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан моддий ёрдам берилди.

Шунингдек, «Файз» холдинг компанияси расиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаш аъзоси М. Азимова ташаббуси билан тумандаги фаол маҳалла раислари, маҳалла хотин-қизлар қумитаси раислари, мактаб директорлари ва боғча мудирлари билан давра суҳбати ўтказди. М. Азимова ўз сўзида юрти-мизда олиб борилаётган ислохотларнинг асл моҳиятига, уларни амалга оширишда аёлларнинг ўрни ҳақида тўхтади.

Давра суҳбати якунида маърузачи партия ва компания номидан иштирокчиларнинг ҳар бирига байрам муносабати билан қимматбаҳо совғалар тақдим этди.

Ибрат



Оқсоқол фидойи бўлса

маҳалла обод бўлади

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» муҳбири

Ўчтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалласи пойтахтимизнинг ибратли маҳаллаларидан. Зеро, маҳалла худудини айланар экансиз, ён-атрофни кузатиб, баҳри-дилнинг очилади. Маҳалладошларнинг аҳиллиги, узаро дўстона муносабати киши ҳавасини келтиради.

Маҳаллага изланувчан, фидойи инсон Собит ака Имомов оқсоқоллик қилади. У маҳалладошлар ишончини оқлаш, аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этишда доимо камарбаста. Маҳалла — ажойиб тарбия маскани. Буни яхши тушунган оқсоқол қисқа вақт ичида маънавий-маърифий ишларни намунали йўлга қўйди. Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, қолаверса, уларни муқим иш билан таъминлашга асосий эътиборни жалб этди. Бунинг натижасида ўтган йили маҳалла ёшлар уртасида биронта ҳам жиноятчилик ёки ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

Собит ака ҳар бир кишига хайрихоҳлик билан қарайдиган, ҳалол ҳамда ўзига нисбатан ўта талабчан ва камтар инсон сифатида маҳалла аҳлининг ҳурматини қозонган. Бинобарин, оқсоқолнинг саъй-ҳаракати билан маҳаллада кейинги икки йил ичида аҳоли турар-жойлари кўркамлашди, кўчалар ободонлаштирилди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилиб, кўпчилик ёшлар иш билан таъминланди.

— Аҳолининг ижтимоий аҳолининг яхшилаш, ободонлаштириш, беморлар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳал-

ла осойишталигини таъминлаш борасида ўтган йили бирмунча ишлар амалга оширилди, — дейди оқсоқол тўлқинли. — Йил давомида 93 нафар бемор маҳалладошларимизнинг аҳолидан хабар олиб турдик. Қўлимиздан келганча моддий-маънавий ёрдам бердик. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг 200 нафар фарзандига янги йил совғалари улашдик.

Таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллада янги иш ўринлари яратишга катта эътибор берилди. Туман Меҳнат бўлими билан биргаликда ўтган йили маҳаллада истиқомат қилувчи 51 нафар ёшлар ўқишга ва ишга жойлаштирилди. Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътиллари мазмунли ўтказиш мақсадида «Қалдирғоч» номли оромгоҳ ташкил қилиб, 14 га яқин турли хил тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга маҳаллада ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ва қурилиш ишлари ҳам тўхтаб қолгани йўқ. 3 минг тўп мевали, 186 тўп арча ва терак кўчалари ўтказилди. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг уйлари бепул таъмирланди. Қумбулоқ, Али Қушчи, Жамшид, Ганиев ва Решетова кўчалари асфальтланди. Айни пайтда тадбиркорлар томонидан 2 та янги озиқ-овқат дўкони ва 2 та тўйхона қурилмоқда.

Албатта, маҳалланинг ободлиги кўп жиҳатдан фаолларнинг ҳамжihatлиги, оқсоқолнинг ишбилармонлиги, фидойилигига боғлиқ. Бинобарин, орамизда Собит ака Имомовдай фидойи, ҳар бир ишда эл-юрт нафини ўз манфаатидан устун қўя биладиган замондошларимиз бор экан, эртанги кунимиз истиқболли бўлиши шубҳасиз.

Таҳлил, талқин ва қиёс

Оқилона солиқ сиёсати

бозор мувозанатини таъминлашга замин яратади, ялпи ички маҳсулотни оширишга хизмат қилади

Давронбек САБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» муҳбири

Мазкур мавзудаги суҳбатимиз Тошкент шахар Бектемир тумани Давлат солиқ инспекциясининг бош солиқ инспектори Олимжон Исаев билан бўлди.

— Олимжон ака, солиқлар — иқтисодиётда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашда давлатнинг муҳим иқтисодий механизмларидан бири. Сиз бу тушунчани қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Мазкур механизм мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни маълум қонун ва меъёрлар асосида тартибга солиб, иқтисодий мувозанатни таъминлашга таъсир кўрсатади. Шу боис солиқ сиёсатининг оқилона усуллари ва имтиёзларининг амалиётга жорий этилиши мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва хорижий мамлакатлар илгор тажрибаларининг ижобий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда қисқа муддат ичида солиқ тизими шакллантирилди ва амалиётга жорий этилди. Бу, айни пайтда, мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарорлигини таъминлашга, инфляция ва ишсизлик даражасининг пасайишига имкон яратди. Шу билан бирга, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари жадал ривожланмоқда. Масалан, 2004 йили 2003 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ички маҳсулот 7,7 фоизга, sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга ўсди.

Бозор иқтисодиёти шароитида қўлланладиган солиқ миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан белгиланади. Бун-

дай ҳолат мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, унинг географик ҳамда геополитик жойлашуви каби омиллар билан изоҳланади.

Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда солиқ миқдори йиллар давомида мунтазам пасайиб бормоқда. Масалан, мазкур кўрсаткич 2000 йили 36,8 фоизни, 2002 йили 33,8 фоизни, 2003 йили 32,0 фоизни, 2004 йилда эса 30,9 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, мамлакатда оқилона солиқ сиёсатининг юритилиши ва ҳужалик субъектларини солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтилиши ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ миқдорини пасайтириб бориш имкониятини бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳужалик субъектларининг айланма маблағларини кўпайтиришга, демак, мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга замин яратади.

— Мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти ҳақида нима дейсиз?

— Мамлакатда бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари фондларнинг ҳажмини ошириш ҳамда барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестициялар салмоғини ошириш ва тадбиркорлик субъектларига берилаётган иқтисодий эркинликлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Айнан шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хусусиёт тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қўқайтириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Ушбу қарорлар миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, мамлакатимизга хусусий хорижий инвестицияларнинг ки-



УРГУТ: Имтиёзларни суиистемол қилиб, халққа ҳам, давлатга ҳам иқтисодий, маънавий зарар келтираётган сохта тадбиркорларга қарши курашда туман давлат солиқ назорати идораси жамоаси ибратли ишларни бажаришмоқда.

Ўтган йил давомида 150 га яқин қисқа муддатли текшириш ўтказилди. 140 тадан кўпроқ ҳолатда ҳеч қандай божхона ҳужжатларисиз импорт товарларни сотишга бўлган уринишлар олди олинди. Уларнинг эгаларидан қарийб 55000,0 минг сўмлик товар моддий далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, 5000,1 минг сўмга яқин маъмурий жарима қўлланиб, моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Суратда: Туман ДСИ бошлиғи А. Аҳмедов инспекция ходимлари билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

риб келишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қучли туртки бўлди. Уларда хусусий хорижий инвестицияларни олиб келувчиларга солиқ имтиёзларини бериш, тадбиркорларга эса солиқ тўловлари бўйича ҳисоботларни тузиш ҳамда топшириш борасида қатор энгилликлар тўғрисида кўзда тутилганки, бу мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш йўлидаги дадил қадамдир.

Албатта, хусусий хорижий инвестицияларни жалб этган шахсларга нисбатан мазкур имтиёзларнинг жорий этилиши давлат бюджетига тушиши мумкин бўлган катта миқдордаги солиқ суммаларининг кечиктирилишига олиб келади. Лекин, бундан қўқланаётган асосий мақсад — мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш-

риб келишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қучли туртки бўлди. Уларда хусусий хорижий инвестицияларни олиб келувчиларга солиқ имтиёзларини бериш, тадбиркорларга эса солиқ тўловлари бўйича ҳисоботларни тузиш ҳамда топшириш борасида қатор энгилликлар тўғрисида кўзда тутилганки, бу мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш йўлидаги дадил қадамдир.

Албатта, хусусий хорижий инвестицияларни жалб этган шахсларга нисбатан мазкур имтиёзларнинг жорий этилиши давлат бюджетига тушиши мумкин бўлган катта миқдордаги солиқ суммаларининг кечиктирилишига олиб келади. Лекин, бундан қўқланаётган асосий мақсад — мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш-

риб келишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қучли туртки бўлди. Уларда хусусий хорижий инвестицияларни олиб келувчиларга солиқ имтиёзларини бериш, тадбиркорларга эса солиқ тўловлари бўйича ҳисоботларни тузиш ҳамда топшириш борасида қатор энгилликлар тўғрисида кўзда тутилганки, бу мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш йўлидаги дадил қадамдир.

Ўзбекистон - Туркия ҳамкорлигида

“ЕМЕК”

қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини

яқинлашиб келаётган муборак

Қурбон ҳайити

байрами билан самимий табриклайди.

Ватан ва миллат равнақи йўлидаги барча


эзгу саъй-ҳаракатларингизга

Тангри мададкор бўлсин.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин,

азиз қардошлар!





Носир Хайдаров олган сурат

БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР

М.САПАЕВА
«Адолат» мухбири

Юз-кўзларидан, хатти-харакатларидан болаларга чексиз меҳр балқиб турган бу аёлни бир умр ўзини сермашақатли касб — ўқитувчиликка бағишлаганига ишонгингиз келмайди. Сочлари энди оқора бошлаганини айтмасангиз, Тамара Ёкубовада ҳали маориф соҳасида яна қандайдир илм хизмати қилиб бериш шавқи борлиги аниқ сезилиб туради.

— Албатта, хизматдан қочмаймиз, — дейди опанинг ўзи ҳам бироз ийманиб. — Тўғриси, бир йилдан кейин нафақага чиқшимни ўйласангиз, кўнглим чўқади. Ҳар тонг ўқувчиларимнинг овози кўлоғим остида жаранглагандай бўлиб уйғонаман...

Тамара Ёкубова Хоразм вилояти Урганч туманидаги Ражаббой Отабоев номидаги мактабда йигирма йилдан ошди вақтдан бери бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мен дастлаб Тамара опа билан суҳбатни нимадан бошлашни билмадим. Шунданми, кўпроқ у кишининг ўқувчилари билан қизикдим. Атрофимизни ўраб олган болалар бир-бирига навбат бермай шундай чуғурлашардики, ўзимни гўё қушлар бозорига тушиб қолгандай ҳис этдим.

— Катта бўлсангиз ким

бўлмоқчисиз? — деб сўрадим сочлари икки ўрим қизчадан.

— Ўқитувчи бўлмоқчиман, — деди у секингина.

— Мен ҳам устоз бўлмоқчиман, — гапга қўшилди яна бир қизалоқ. — Тамара устозимга ўхшашни хоҳлайман.

— Мен шоира бўламан. Ўртароқда ўтирган нозиккина қиз шундай деди-ку, кўзларини ерга тикди. Тамара опа ўқувчисининг уялганини сездим, қўшиб қўйди:

— Унинг шеърларини кўлэзма ҳолида муқоваладик, — дея Тамара опа кўргазмалар бурчагидан чиройли қилиб ишланган тўпламни олиб, менга узатди.

— Рассом қизимизнинг ҳам чизган расмларини жамлаб, альбом қилиб қўйганмиз, — дея сўнг давом этди. — Унинг ҳар хил мавзулар бўйича тайёрлаган кўргазмалари курулларидан дарсларда фойдаланаямиз.

Кўлимдаги шеърлар тўплами, расмлар чизилган альбомга боқиб, ҳар бир ўқувчи қалбида ўз иқтидорига ишонччи пайдо қилишни Тамара опа яхши билиши, шунинг учун ҳам ўқувчиларининг кичкина ютуғини катта бир кашфиёт сифатида бутун синф олдида намоен этишга уринаётганлиги — бу тарбиянинг энг самарали усули эканига иқрор бўлдим. Буюк ихтирочи олим

Эдисонни ҳар кун эрталаб: «Туринг Граф, Сизни буюк ишлар кутмоқда», деган сўзлар билан уйғотишгани бежизга эмас экан.

Узим ҳам ўқитувчи бўлганимданми, болалар билан тезда тил топшидик. Уларнинг эркин, тортинмай гапиришларидан завқим келарди.

— Устозингизни яхши кўрасизми? — сўрадим бир ўқувчидан.

— Ҳа, улар бошқа устозларга ўхшамайдилар.

Менинг онам ҳамманинг онасидан яхши дегандай, бу сўз ортиқча изоҳни талаб этмас керак. Зеро, болалар энг тоза, энг самимий, энг боқира меҳрлари билан катталардан ҳаммиша устун турардилар.

— Ўқитувчилик машаққатли касб, дейдилар. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Ҳеч қайси замонда ҳам осон бўлган эмас, — жавоб беради Тамара опа. — Қолаверса, мана, маoshлар меҳнатимизга яраша оширилипти. Ўқитувчилар ҳамма даврларда пешқадам бўлиши керак. Модомики, бу касбни ўзи танлаган экан, бурчини ҳалол адо этиши лозим.

Дарсдан кейин синфда болалар учун бепул тўғараклар ишлашини ҳам Тамара Ёкубованинг жонқуярлигидан, десак янглишмаймиз.

— Болаларни қаттиққўллик билан бошқарасизми? Узлаштириш жуда яхши экан, — сўраймиз опадан.

— Қаттиққўллик менинг иш услубимга ёт. Бизга кўрқоқ қўёнчалар эмас, ўзларига ишонадиган, иродаси мустаҳкам, руҳияти соғлом болалар керак, — дейди у.

Ҳа, шу йиллар давомида Тамара Ёкубова қанча шоғирдларини ҳаётга учирма қилган. Уларнинг онгига зиё, қалбларига меҳр уруғини жойлаган бўлса ажаб эмас.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ»

МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ

Қашқадарё вилояти сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси меҳнат жамоаси

Қадим ва навқирон диёримизда кенг нишонланган муборак

Қурбон ҳайити

муносабати билан мамлакатимиз халқини самимий қутлайди.



Психолог маслаҳати

Муомала — инсон зийнати

Феруза АКРАМОВА,
доцент

Доно халқимизда тилга эҳтиёткор бўлиш, ҳар бир сўз ва жумлани ўйлаб гапириш, қисқаси, сўзлашиш одоби ва мулоқот маданияти ҳақида жуда кўп ибратли ҳикматлар бор. Улардан бирида келтирилишича, одамнинг шарафи ва ифтихори унинг маданий сўзлашишида кўринади.

Шу ўринда Шарқнинг зеҳни ўткир файласуфларининг суҳбатлашиш борасидаги дурдона фикрларини умумлаштириб, қуйидагиларни келтириш жоиз:

- бемаврид гапирмаслик;
- лутф ила юмшоқлик билан самимий сўзлашиш;
- тингловчига малол келмайдиган тарзда гапириш;
- фақат фойдали гапларни гапириш;
- кишилар гапирётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;
- кўп гапирмаслик, зеро, бу яхшилик аломати эмас.

Манбаларда қайд этилишича, Ибн Синонинг уйланиш вақти келганида қизлардан ҳеч бири унга маъқул бўлмабди. Қўшни қишлоқда тили захар, қайсар бир қиз бор экан. Шунини эшитиб қолиб, «Уйлансам, шунга уйланаман», дебди. Ота-онасининг жуда қўпол қиз экан,

сенга бўлмайди, қабилдаги эътирозига, Ибн Сино «Менга худди шунақаси керак», деб оёғини тираб олибди. Ноилоҳ қизни унга никоҳлаб қўйишибди. Кўп ўтмай қиз одобли, ширинсўз уй бекасига айланибди. Эшитганлар қулোগига, қўрганлар кўзига ишонмасмиш. Одамлар «Ибн Сино дагални мулоийим, кеккайгани камтаринга айлантирадиган дори ичириб, ўшандай баджаҳл қизни яхши аёлга айлантириб қўйибди», деган миш-мишлар тарқатибди. Ота-онаси ҳам бундан ҳайратланиб, қиздан сабабини сўраша, «Ширин тили ва яхши муомаласи билан» — деган жавобни олишибди.

Ибн Сино ҳар доим шоғирдларига шундай деб таълим беради экан: «Берган дорим шифо бўлади десанг, хато қиласан. Даво, аввало, ширин тил, хушмуомала, қулги-табассум билан қилинади. Бемор қўпол бўлса, ҳақим мулоийим бўлиши, бемор захар бўлса, ҳақим ширин забон бўлиши, бемор ноумид бўлса, ҳақим умидли бўлиши, бемор хўмрайса, ҳақим қулиши керак. Ҳақимда шундай хусусият бўлмаса, у ҳақим эмас, балки ўлимни яқинлаштирувчи бир кимсадир».

Демак, муомалани яхши ташкил этиш орқали бемор-

ларни соғайтириш киши руҳиятини ҳам кўтариш мумкин. Шунинг учун биз бу борада инсон, ота-она сифатида ким билан ва қайси муҳитда қандай муомала ўрнатишнинг сирасорларини билишимиз ва керак бўлса, бошқаларга ўргатишимиз керак.

Ривоятларда қайд этилишича, қадимда одамларнинг қилган ёмон ишлари учун берилган энг оғир жазо уларни ёлғизлатиб қўйиш, яъни шу одамнинг бошқалар билан мулоқот қилишига йўл қўймаслик экан. Бироқ ҳеч бир инсон дунёда ўзи танҳо, одамлардан ажралган ҳолда яшай олмайди. У ҳаммиша бошқалар билан мулоқотда бўлиши зарур. Зеро, мулоқот инсоннинг асосий эҳтиёжларидан биридир.

Киши ҳар кун иш, дўстлик, қариндошлик юзасидан ўнлаб кишилар билан учрашади, турли мавзуларда суҳбатлашади. Ҳар бир инсон ким билан учраша, унинг ҳурматини сақлаб одоб-ахлоқ қонидасидан четга чиқмаслиги лозим.

Жамиятдан ажралиб, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид, яъни жонзот сифатларининг сақлаб қолади, лекин у шахс бўла олмайди. Шунинг учун мулоқотнинг инсон тараққиётидаги аҳамияти беқиёсдир.

Спорт

Олимпиада ўйинларига тайёргарлик

Ўинчи февралдан йигирма олтинчи февралга қадар дунё спорт жамоатчилиги йилнинг энг асосий мусобақаларидан бири Туринда ўтказиладиган қишки олимпиада ўйинларига гувоҳ бўлади.

Ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз вакиллари фигурали учуш ва тоғ чанги спорти бўйича юртимиз шънини ҳимоя қилишади. Янги йил арафасида тоғ чанги спорти бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Россия кубо-

гининг навбатдаги босқичида ҳам иштирок этиб қайтишиди. Ушбу синолда улар олимпиада ўйинларида кучлилар гуруҳида стартга чиқиш ҳуқуқини бердиган қимматли очколар учун кураш олиб бордилар. Мурасасиз беллашуларда вакилларимиздан Ғайрат Эрматов ва Ноил Шириновлар муносиб қатнашишди. Энди уларнинг қай бири Италияга йўл олиши бир неча кундан сўнг бошлангандаги Ўзбекистон чемпионатида маълум бўлади.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Исанова Насиба Нормуновнага 2000 йил 7 майда Душанбе тадбиркорлик ва сервис институти томонидан берилган Ю-№001687 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муборак Тиббиёт коллежи педагогик жамоаси

соҳа ходимларини,
бутун Ўзбекистон халқини
узур айём —

Қурбон ҳайити

билан самимий муборакбод этади.

Ҳорий 2006 йил —


Ҳомийлар ва шифокорлар

йилида инсон саломатлигини

асрашдек олтижаноб ишларни

амалга оширишинизда

омадлар тилаймиз!



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгашининг ижтимоий-сийсий газетаси

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Тахрир хайъати
Мукаррамхон Азимова,
Жуманиёз Алибеков,
Камол Аллаёров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Турғунпўлат Даминов,
Иқбол Мирзо,
Талъат Муратов,
Светлана Ортикова,
Исмоил Саифназаров,
Дилором Тошмухаммедова,
Собир Турсунов,
Мамазоир Хўҷамбердиев,
Турсунали Қўзиёв,
Равшан Хайдаров

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86
136-53-14
Факс — 133-41-89
Котибият — 136-55-96
Сийсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодий ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Д. Саъдуллаев
Навбатчи — М. Абдушукуров
Мусаҳҳиф — Н. Муҳсимова
Саҳифаловчи — Л. Турсунов

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади.
† — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г— 300
Ҳажми — 3 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1897

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —